

АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ТАЛИМОТИДА ДИН МАСАЛАСИ

Ж. С. Рамагов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
мудири

М. Ҳасанов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада Абу Наср Форобийнинг талимотида дин масаласи шу билан бирга аждодимиз қарашларининг ҳозирги замондаги талқини, ўсиб келаётган ёшларга таъсири кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Форобий, дин, эътиқод, фалсафа, адабиёт, жамият, тарих.

КИРИШ

Аждодларимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, улар қолдирган бебаҳо маданий меросни асраш билан бирга уларни ўрганиб таҳлил қилиш, кейинги авлодларга намуна қилиб етказиш, уларнинг илмий қарашлари, таълим- тарбия, инсоний фазилатлар – тўғрисиўзлик, одиллик, эзгулик, хушхулқлик, инсофлилик каби одоб-ахлоқ категориялари ҳақидаги қарашларни ўрганиш бизнинг бурчимиз. Форобий фикрига кўра, инсон маънавияти кўпроқ унинг қалби, кўнглига боғлиқ ҳолда ифодаланган. Қалбнинг поклиги, кўнгилнинг софлиги инсонни етукликка, баркамолликка чорловчи асосий фазилатлар, деб кўрсатилган. Ҳар бир киши учун икки маънавият маркази – қалб ва шуурга бир вақтда, бирваракай руҳий-илоҳий, ақлий-маънавий озуқа берилади. Бу икки жараён уйғунлашган ҳолда кишини комилликка олиб бориши мумкинлиги ҳақидаги ғоя билан суғорилган. Чунки А.Эркаев таъкидлаганидек, «Маънавият инсоний фазилатлар билан бирга, «маънавий маданият» деб аталмиш дунёвий илм-фан, фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқ, адабиёт ва санъат, ҳалқ таълими, оммавий ахборот воситалари, урф-одатлар, анъаналар ҳамда дин ва диний маросимлар ва ҳоказо, диний санъат каби бошқа кўплаб тарихий ва замонавий қадриятларни ҳам қамраб олади». Аллома ахлоқий ҳислатлар сифатида – нафсни тийиш, оқиллик, донолик, билимдонлик, мулоҳазакор бўлиш, ботирлик, сабр-тоқат, садоқат, муҳаббат, одил бўлиш, ҳақиқат, маънавий юксакликка интилиш, адолат, саҳоват кабиларни тушунади. Аммо, бу ҳислатларнинг энг муҳими ҳар бир инсоннинг



илмли ва маърифатли бўлишидир. Чунки, Абу Наср Форобий ахлоқни ақл билан узвий боғланган тафаккурга асосланган ҳолда тушунади. Ҳар бир жараённинг оқилоналиги таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйилганлиги билан белгиланади. Чунки мақсадга мувофиқ амалга оширилган таълим-тарбия инсонни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан камолга етказди. Инсон табиат ва жамият қонун-қоидаларни тўғри англашга, улар билан оқилона муносабатда бўлишга ҳаракат қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Абу Наср Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билади. Донишманд ўзининг фалсафий таълимотида яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, роҳат ва азоб-уқубат, ифбат, шарм-ҳаё ва беномуслик, саҳийлик ва бахиллик, донолик ва жоҳиллик, севги ва нафрат, поклик ва нопоклик, вафодорлик ва бевафолик, камтарлик ва манманлик, мақтанчоқлик сингари одоб-ахлоққа тааллуқли тушунчаларга алоҳида эътибор билан қарайди. Алломанинг аксарият асарларида кишилар фаолиятида намоён бўладиган хусусиятлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилган. Унинг фикрича, яхши ва ёмон хулқларнинг ҳаммаси одатдан пайдо бўлади. Айни пайтда у одамларнинг яхши ёки ёмон бўлишига ҳукумат аҳллариининг таъсири ҳам бўлади, деган ғояни илгари суради.

Абу Наср Форобий инсоннинг камолга етишида тўсиқлик қилувчи нуқсонлар сифатида жоҳиллик, нодонлик, шафқатсизлик, такаббурлик, нафратни кўрсатиб ўтади. Жоҳилликни – илмга, нодонликни – зеҳни ўткирликка, шафқатсизлик, такаббурликни адолатга, нафратни – севги-муҳаббатга қарама-қарши иллат сифатида таърифлаган. У ақлий тарбия турли билимларни ўрганиш натижасида амалга ошса, ахлоқий тарбия кўпроқ яхши ахлоқий хислатларни машқ қилдириш, одатлантириш, суҳбат орқали амалга ошишини таъкидлаган.

Форобийнинг фикрича, “Бир буюм ҳақида турли билимларнинг гувоҳлигидан, кўпчилик фикрининг бир хил бўлишидан салмоқлироқ, кучлироқ далил йўқ, чунки ҳамманинг интеллекти исботлаш учун хизмат қилади”. Ақлга эга бўлган инсон бирор буюм, ходисани ўрганар экан, шу нарса ҳақида бошқаларнинг ҳам фикрига муҳтожлик сезади. Агар бошқаларнинг фикри ўзиникига ўхшаш бўлса, унда у ўз фикрининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилади. Бу ҳақда

мутафаккир шундай деб ёзади: “Қачонки турли ақл ўйлаб ўзини текшириб, баҳслар, мунозаралар, тортишувлардан, қарама-қарши томонларни кўриб чиққандан сўнг бир фикрга келсалар, уни исботласалар ва яқдиллик билан унга рози бўлсалар, шундагина уларнинг бу фикридан тўғрироқ ҳеч нарса бўлмайди». Баҳс мунозараларда ўз фикрини асослаш учун инсон етарли билимга эга бўлиши, нуфузли манбаларни ўрганиши, хулоса, исботлаш каби мантиқий амалларни эгаллаши, бир сўз билан айтганда, Етарли асос қонуни талабларига амал қилиши зарур.

Абу Наср Форобийнинг маънавият ва маърифат ҳақидаги фалсафий таълимоти негизида инсон ва унинг ақл-идроки сингари кўплаб масалалар ўрин олгани эътиборга сазовор. Унингча, инсон ўзининг фаол ақл-идроки, қобилияти, истеъдоди, тафаккури ёрдами билан табиатни, борлиқни, материяни, ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар моҳияти ва мазмунини билади. Шунинг натижасида инсон улуғ бахтга эришади. Шу боисдан ҳам аллома ўзининг “ءيون الام سائل” “Рухматериядан ажралган ҳолда мавжуд эмас. Тана ўлганидан сўнг, рух мавжуд бўлмайди, унда ўз-ўзидан парчаланадиган куч йўқ. У бирламчи субстанция; у инсон табиийлигини сақлаб туради; унинг кучи тана аъзолари бўйича жо бўлади. Инъом этувчи руҳни қабул қила оладиган моҳият бўлгандагина уни барпо этади. Тананинг мавжудлиги моҳиятни бўлишига сабаб бўлади. Афлотун руҳни танадан олдин пайдо бўлиши мумкин эмас”, деб ёзади.

Маънавий қиёфа шаклланишида инсоннинг тафаккури, хотираси, тасавури, диққати, иродаси иштирок этади. Бисотида мавжуд бўлган бутун билими, тажрибаси, истеъдоди намоён бўлади. Худди шунинг учун ҳам инсон ижтимоий қиёфасини характерловчи энг муҳим кўрсаткич маънавий маданиятдир. Маънавиятни эса руҳиятни покламай, тафаккурни бойитмай туриб юксалтириб бўлмайди. Форобий адолатсизлик, жоҳиллик, хасислик, очкўзлик, бойликка интилиш, турли ёмон хирсларга берилишни қоралайди ва ахлоқий камолотга эришиш зарурлигини айтади.

Форобий фозил шаҳар-давлатда одамларни турли белгиларига қараб ҳар хил гуруҳларга бўлади. Бироқ у кишиларнинг диний мазҳаби, миллати, ирқига эмас, балки табиий хусусиятлари, қобилиятларига, аввало, ақлий иқтидорига ҳамда илмларни ўрганиш, ҳаётий тажриба тўплаш жараёнида орттирган билим ва кўникмаларига катта аҳамият беради.

Алломанинг фикрича, фозил давлат маълум ижтимоий-сиёсий таркибга эга аҳолининг 5 қатлампидан иборат бўлади:

1. Нисбатан имтиёзли шахслар. Бу тоифага донишмандлар ва муҳим ишларда обрў-эътиборлилар киради.

2. Дин арбоблари, нотиклар, шоирлар, мусиқачилар, хаттотлар ва шунга ўхшаш фаолиятни амалга оширувчилар.

3. Ўлчовчилар - ҳисобчилар, саёҳатчилар, табиблар, коҳинлар ва ҳоказо.

4. Ҳарбийлар ва жамоат тартибини қўриқлаш ҳамда ташқи хужумдан ҳимоялаш вазифасини бажарувчилар. Ҳарбий ҳамшаҳарларига фойда келтиришини билиб, ўз ҳаёти учун таваккал қилади; жамият, давлат манфаатини шахсий манфаатидан устун қўяди.

5. Бойлар. Буларга бойлик орттирувчи деҳқонлар, чўпонлар, савдогарлар ва шуларга ўхшашлар киради.

Шарқнинг буюк мутафаккири ўзининг маънавий-ахлоқий қарашларида давлатнинг ташқи ва ички вазифаларини аниқ кўрсатиб беради. Форобий фикрича, давлатнинг ташқи вазифаси фозил шаҳар ёки давлат аҳолисини ташқи душманлардан ҳимоя қилиш, яъни мустаҳкам муҳофаани ташкил этишдан иборат. Жоҳил шаҳар - давлат учун бошқа давлатлар билан доимий урушлар, ёт ерларга хужумлар қилиш, улар мулкани тортиб олиш хос. Фозил давлатда эса ўз аҳолиси фаровонлигини таъминлаш, ўзини муҳофаа қилиш учун кураш олиб борилади.

Абу Наср Форобий сиёсий қарашларининг энг муҳим хусусияти шундаки, биринчидан, у жамиятнинг пайдо бўлиш сабабини, табиий муҳит ва кишиларнинг моддий эҳтиёжлари орқали тушунтириб беради. Иккинчидан, у кишиларнинг эҳтиёжи, ижтимоий ҳолатини унинг ақли, меҳнати, ўз ҳаёт фаолиятини мустақил танлай олишини белгилайди, деб ҳисоблайди. Учинчидан, унинг сиёсий қарашларида жамият асосида кишиларнинг энг соф интилишлари қариндош-уруғларнинг бирлашуви, ўзаро ёрдам, адолат, дўстлик, аҳиллик, эҳтиёжларнинг биргаликда қондирилиши, умумий манфаатларини тушуниш ғоялари ётади. Тўртинчидан, Форобий бошқа мутафаккирлар сингари жамиятда мавжуд ёвузликларни йўқотишга қодир бўлган одил ва ақлли ҳукмдорлар бўлишига ишонади. У адолатли ҳукмдорнинг асосий вазифаси кучли ва кучсизлар ўртасида тенглик, юқори ва қуйи даражадагилар орасида адолат ўрнатиш, деб билади. Аллома фикрича, кишиларнинг тенглиги ва уларнинг меҳнат фаолиятидаги эркинлиги жамиятнинг эркинлигини таъминлайди. “Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, — деб ёзади Форобий, — шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ

бўлмайдди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб–ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар”.

Форобийнинг сиёсий қарашлари, юқорида қараб чиққанимиздек, энг илғор ва чуқур инсонийлик тамойилларига асосланади. У инсон фақат ўзи учун яшамаслиги керак, у умумбашарий борлиқ эканлигини, унинг башариятга хизмат қилиши лозимлигини эътироф этади. Бундай ғоялар алломанинг жаҳон сиёсий фикри тарихида муносиб ўрин эгаллашидан далолат беради. Абу Наср Форобий томонидан илгари сурилган сиёсий ғоялар ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмаган, йўқотмайди ва ҳозирги даврда ҳам уларни ҳисобга олиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Мутафаккирнинг сиёсий меъроси, шубҳасиз, жаҳон сиёсий фикри хазинасига қўшилган катта ҳиссадир.

ХУЛОСА

Мутафаккир фикрича, ички руҳий, маънавий кучлар инсонга табиатни объектив баҳолашга имкон беради. Инсоннинг руҳий, маънавий кучлари танасининг жисмоний ҳолатига таъсир эта олади. “Руҳан касал одамлар, – деб ёзади мутафаккир, – ҳам ёмон истаклари ва одатлари туфайли бузилган тасаввурларига қараб, ёмон (ахлоқсиз) феъл-ҳаракатлардан хузурланадилар ва гўзал қилиқларни, ишларни ёқтирмайдилар ёки умуман гўзалликни тасаввур қилмайдилар”. Демак, маънавий, руҳий эҳтиёжлар, имкониятлар, энг муҳими, тана етуклиги ҳар томонлама комил ва етук инсоннинг асосий жиҳатларидир. “Абу Наср Форобийнинг жамият ва инсон муносабатлари тўғрисидаги қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: Мутафаккирнинг фикрича, «Ҳар бир инсон ўз табиатига кўра шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтожлик сезади, унинг бир ўзи эса бундай нарсаларни қўлга киритолмайди. Шу боис уларга эга бўлишда кишилик жамоасига эҳтиёж туғилади... шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интиланган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришмоқ учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради».

REFERENCES

1. Абдильдин Ж.М., Бурабаев М.С. и др. Социальные, этические
2. Абу Наср Фаробий, Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Янги аср авлоди. 2016. – Б. 163-164.



3. Хайруллаев М.М. Мирозрение Фараби и его значение в истории философии. -Т.: Фан, 1967; Уйғониш даври ва шарқ мутафаккирлари. -Т.: Ўзбекистон, 1971; Ўрта Осиёда Уйғониш даври маданияти. -Т.: Фан, 1994.
4. М.Н.Ҳасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>
5. Рахимова, М. И., & Хасанов, М. Н. (2020). Роль среднеазиатской философии в развитии мировой и европейской науки. Вестник науки и образования, (4-1 (82)), 38-41.
6. Н. Ж. Назарова & М. Н. Ҳасанов (2022). ТАЛАБАЛАРДА БЎШ ВАҚТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 752-758.
7. Миршод Нўмонович Ҳасанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 791-798.
8. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613
9. Hasanov M.N. Abu Nasr is a unique interpretation of the concept of happy man in Farabi's philosophy. TJE - Tematics journal of Social Sciences-AQSH.2022.-P.43-46

